

"АЁЛЛАР ДАФТАРИ" ГА КИРИТИЛГАН ХОТИН-ҚИЗЛАР МУАММОЛАРИ ЎЗ ЕЧИМИНИ ТОПМОҚДА



Қумқўрғон тумани 1-сектор ҳудуди, 20-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактабида “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар билан мулоқот ўтказилди.

Туман ҳокими Рахматулла Гаппаров томонидан “Аёллар дафтари”га киритилган аёлларнинг муаммолари ўрганилди. Очиқ мулоқот давомида ҳар бир фуқаро билан алоҳида суҳбатлашилиб, уларни қандай муаммолар қийнаётгани, қобилият ва лаёқатларига қараб бандлигини таъминлаш борасида аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Ўртага ташланган муаммоларни ижобий ҳал этиш бўйича тегишли масъулларга топшириқ ва кўрсатмалар берилди.

